

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил август ойининг 30 куни, Жиззах вилоят жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг видеоконференцоалоқа режимида ўтказилган очик суд мажлиси ўзининг биносида, туман суди раиси Л.Обидовнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Сулаймановнинг котиблигида, тарафлардан- давлат айбловчиси Арнасой туман прокурорининг ёрдамчиси О.Жураев, фуқаровий даъвогар вакили С.Шодиев, судланувчи О.Хожиев ва С.Баҳоркуловларнинг иштирокида, Хожиев Олим Башманович ва Баҳоркулов Сапарбек Сатторкул ўғлига нисбатан бўлган 1-1303-2401/42-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хожиев Олим Башманович (Хоҗиёев Олим Башманович), 1980 йил 28 июлда Жиззах вилояти, Арнасой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, Жиззах вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси Арнасой тумани бўлими бошлиғи лавозимида ишлайди, илгари Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган, муқаддам:

1) жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 2019 йил 18 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б,в” бандлари билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 45,57-моддаларига асосан 1 йил муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида, яъни 9.215.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 2019 йил 07 июнь куни тўлиқ тўлаган, жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2019 йил 13 сентябрдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 5 ой 17 кун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинган;

2) жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2021 йил 29 июлдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 45,62-моддаларига асосан 3 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил



11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 2022 йил 14 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 10 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ва шу суднинг 2023 йил 4 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 19 кун моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Жиззах вилояти, Арнасой тумани, Бобур маҳалласи, Сўғдиёна кўчаси, 41-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 30 июнь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан айбланган;

Баҳорқулов Сапарбек Сатторкул ўғли (Bahorqulov Saparbek Sattorqul o'g'li), 1980 йил 14 январда Жиззах вилояти, Зафаробод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, тўрт нафар фарзанди бор, Зафаробод туманида жойлашган “Stroitel BS” масъулияти чекланган жамият раҳбари, муқаддам судланмаган, Жиззах вилояти, Зафаробод тумани, Нурафшон маҳалласи, Янгиобод кўчаси, 21-уйда яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 04 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан айбланган.

Суд судланувчилар, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, гувоҳнинг кўрсатувларини ўқиб эшиттириб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И:

О.Хожиев, 2023 йил 05 май кунидан 2023 йил 08 сентябрь кунига қадар Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра давлат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиб, “Stroitel BS” масъулияти ланган жамият (кейинги ўринларда - МЧЖ) раҳбари С.Баҳорқулов билан



олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2023 йил 19 июнь куни Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Stroitel BS” МЧЖ ўртасида Арнасой туманига кириш худудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини яратиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-3-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси тузишиб, ушбу шартноманинг 2.2.1-бандида, “Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисоб варақ-фактура ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган санадан бошлаб 15 кун ичида тўлаб берилади”-деб қайд этилган бўлса-да, 2023 йил 23 июнь кунги тўлов топшириқномасига асосан олдиндан тўлов сифатида шартнома суммасининг 30 фоизини, яъни 20.996.976 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериб, С.Баҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган бетон тўсин (стойка)ларнинг 700 донаси ўрнатилиб, қолган 300 донаси ўрнатилмаганлиги ҳамда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаганлигини била туриб, 2023 йил 24 июль кунги тўлов топшириқномасига ҳисоб-фактура ва топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан ясалган ва ўрнатилган бетон тўсин (стойка)лар учун 70% тўлов ўтказилаётгани ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштирган ҳолда 48.992.944 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бериши оқибатида, “Stroitel BS” МЧЖ раҳбари С.Баҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган 300 дона бетон тўсин (стойка)лар ўрнатилмасдан, жами 20 млн. 996 минг сўм пул маблағлари бошқа мақсадларга сарфлаб юборилиши натижасида, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани растрата қилиш йўли билан талон-торож қилган.

С.Баҳорқулов, 2021 йил сентябрь ойидан ҳозирги кунга қадар Зафаробод туманидаги “Stroitel BS” МЧЖнинг раҳбари лавозимида ишлаб келиб, эгаллаб турган лавозимига кўра, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи О.Хожиев билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлишиб, 2023 йил 19 июнь куни Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Stroitel BS” МЧЖ ўртасида Арнасой туманига кириш худудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини яратиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-3-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси тузишиб, ушбу шартноманинг 2.2.1-бандида, “Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисоб варақ-фактура ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган



санадан бошлаб 15 кун ичида тўлаб берилади”-деб қайд этилган бўлса-да, 2023 йил 23 июнь кунги тўлов топшириқномасига асосан олдиндан тўлов сифатида шартнома суммасининг 30 фоизини, яъни 20.996.976 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилгач, шартномада кўрсатилган бетон тўсин (стойка)ларнинг 700 донасини ўрнатиб, қолган 300 донаси ўрнатилмаган ҳамда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаган бўлса-да, О.Ҳожиёв томонидан 2023 йил 24 июль кунги тўлов топшириқномасига асосан қолган 48.992.944 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказилишига эришиб, шартномада кўрсатилган 300 дона бетон тўсин (стойка)ларни ўрнатмасдан, жами 20 млн. 996 минг сўм пул маблағларини бошқа мақсадларга сарфлаб юбориб, ўзининг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Арнасой туман прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи Д.Иноятовнинг 2024 йил 28 июндаги қарорига кўра, жиноят ишининг Ш.Худайқулов ва Б.Мавлоновларга нисбатан бўлган қисми Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 5-қисми 2-бандига асосан айблилик масаласи ҳал қилинмасдан тугатилган.

Суд мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган **О.Ҳожиёв** айбига қисман иқроор бўлиб, ўз кўрсатувида, 2023 йил 05 майдан 08 сентябрга қадар Арнасой туман Ободлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлагани, хизмат вазифаларига бошқарманинг фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, туманнинг ободонлигини таъминлаш, товар-моддий бойликларининг кирим-чиқимини, ходимларнинг ишини назорат қилиш, шартномалар тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш ҳамда бошқа вазифалар кирганлиги, 2023 йил июнь ойида Арнасой тумани марказига кириш ҳудудидаги йўлнинг ўнг ва чап томонларига узумзор барпо этиш бўйича туман ҳокимлигидан топшириқ тушгани, узумзор қилиниши лозим бўлган ерни тайёрлашганидан сўнг, узумзор учун бетон тўсин (стойка) ўрнатиш мақсадида тендер эълон қилишгани, тендер натижасида 2023 йил 19 июнь куни Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Stroitel BS” МЧЖ ўртасида Арнасой туманига кириш ҳудудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини ясатиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-З-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси тузилгани, ушбу шартноманинг 2.2.1-бандида, “Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисоб варақ-фактура ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган санадан бошлаб 15 кун ичида тўлаб берилади”-деб, қайд этилгани, 2023 йил 23 июнь кунги тўлов топшириқномасига асосан олдиндан тўлов сифатида шартнома суммасининг 30 фоизини, яъни 20.996.976 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, жамият раҳбари Ҳаҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган бетон тўсин



(стойка)ларнинг 700 донаси олиб келиб жойига ўрнатилгани, қолган 300 донаси ўрнатилмаган бўлса-да, 2023 йил 24 июль кунги тўлов топшириқномасига ҳисоб-фактура ва топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан ясалган ва ўрнатилган бетон тўсин (стойка)лар учун 70% тўлов ўтказилаётгани ҳақида сохта маълумотлар киритиб, 48.992.944 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, шу орада туман ҳокимлиги раҳбарияти томонидан туман марказидан ўтган сой бўйини темир панжара билан пардозлаш топшириғи берилгани, бу ишни ҳам “Stroitel BS” МЧЖ билан битиришини ўйлаб, жамият раҳбари С.Баҳорқуловга мазкур таклифни айтгани, С.Баҳорқулов унинг таклифига рози бўлгани, гарчи сой бўйини темир панжара билан пардозлаш ишларини амалга ошириш учун белгиланган тартибда шартнома тузилмаган ва смета-хужжатлари тасдиқланмаган бўлса-да, С.Баҳорқулов бетон тўсин (стойка) ўрнатиш ишлари учун ажратилган маблағлар ҳисобидан бу ишни ҳам бошлаб юборгани, натижада 300 дона бетон тўсин (стойка)лар ўрнатилмасдан қолгани, С.Баҳорқулов 20 млн. 996 минг сўм пул маблағларини сой бўйини темир панжара билан пардозлаш ишларига сарфлагани, аслида бу ишга тадбиркор томонидан 120 млн. сўмдан зиёд пул маблағи сарфлангани, лекин қонуний тартибда шартнома тузилмаганлиги сабабли ишлар охирига етказилмасдан қолгани, аслида шартнома бўйича 1.000 дона бетон тўсин (стойка) белгиланган жойга ўрнатилганидан кейин қолган пулни чиқариб бериши керак бўлгани, бироқ иш 70 фоиз бажарилгандан кейин 24.07.2023 йилда пулни 100 фоиз чиқариб юборгани, лекин бу пулларни ўзлаштириш нияти бўлмагани, шартномага асосан амалга оширилган ишларнинг топшириш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилмагани, темир панжаралар учун пул ажратилгач, бетон тўсин (стойка)ларнинг камчилиги тўғриланиб кетади деб ўйлагани, бироқ темир панжаралар ўрнатиш учун пул ажратилмагани, шу боис қурувчи томонидан ишлар охирига қадар бажарилмасдан қолгани, ҳозирда етказилган зарар тўлиқ қоплангани, жамият раҳбари С.Баҳорқулов билан бирга 300 дона бетон тўсин (стойка)ларни олиб келиб, туман Ободонлаштириш бошқармасига далолатнома орқали топширишгани, айбига иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи сифатида сўроқ қилинган **С.Баҳорқулов** айбига қисман иқрор бўлиб, ўз кўрсатувида, 2021 йилдан буён Зафаробод туманида рўйхатдан ўтган "Stroitel BS" МЧЖни раҳбар сифатида бошқариб келаётгани, жамиятнинг асосий фаолият тури қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб боришдан иборатлиги, Арнасой туман ободонлаштириш бошқармаси ва "Stroitel BS" МЧЖ ўртасида 2023 йил 19 июнь куни жами 1.000 дона 69.989.920 сўмлик бетон тўсин (стойка)ларни ясаш ва ўрнатиш бўйича 179-3-43-ОВ/2023-сонли шартнома тузилган ва шу шартномага мувофиқ 23 июнь куни 30 фоиз олдиндан тўлов сифатида 20.996.976 сўм пул маблағи жамиятнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилгани, шундан кейин ишларни



бошлаб, 700 дона бетон тўсин (стойка)ларни белгиланган жойга олиб келиб ўрнатгани, лекин шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаган бўлса-да, О.Хожиев томонидан 2023 йил 24 июль куни шартнома суммасининг қолган 70 фоизи, яъни 48.992.944 сўм пул маблағи ҳам ўтказиб берилгани, шартномага мувофиқ 700 дона бетон тўсин (стойка)ларни шартномада кўрсатилган жойга олиб келиб, ўрнатиб бергани, 300 донасини эса жойи тайёр бўлмагани учун олиб келмагани, шартнома бўйича ишларнинг 70 фоизини бажарган вақтида О.Хожиев келиб унга туман марказидаги сой атрофига темир панжара ўрнатишни айтгани, у О.Хожиевнинг гапига рози бўлиб, темир панжараларни ўрнатиб бергани, бироқ темир панжара ўрнатиш бўйича белгиланган тартибда шартнома расмийлаштирилмагани ва пул маблағи ажратилмагани сабабли, панжара ўрнатиш ишлари ҳам, 300 дона бетон тўсин (стойка) ўрнатиш ишлари ҳам тўлиқ бажарилмасдан қолиб кетгани, чунки ўша вақтда фирманинг ҳисоб рақамида пул маблағи қолмагани, аслида темир панжара ўрнатишдан олдин тегишли тартибда шартнома тузиши лозим бўлгани, О.Хожиев унга шартнома тузишини ва пул маблағи ўтказиб беришини айтгани учун 300 дона бетон тўсин (стойка) учун ажратилган пуб маблағлари ҳисобидан панжара ўрнатиш ишларини бошлаб юборгани, бу ишга ҳам ўзининг ёнидан тахминан 120 млн. сўмдан зиёд ишларни амалга оширгани, лекин шартнома тузилмагани сабабли ишлар чала қолгани, О.Хожиев панжарани пулини ўтказиб бергач бетон тўсин (стойка) ўрнатиш ишини ҳам якунлаб қўйишни режа қилган бўлгани, панжара ўрнатилгани бўйича бирон бир тасдиқловчи ҳужжатлар расмийлаштирилмагани, лекин бу ишларни унинг жамияти амалга оширгани, О.Хожиев унга панжара ўрнатишни айтмаганида бетон тўсин (стойка) ўрнатиш ишларини охирига қадар амалга оширган бўлишлиги, сметада нима кўрсатилган бўлса шу ишни бажариши керак бўлгани, О.Хожиевнинг гапларига ишониб, шартномада кўрсатилган 1.000 дона бетон тўсин (стойка) дан 700 тасини ўрнатиб, қолган 300 донасини пулини, яъни 20 млн. 996 минг сўм пулларни бошқа мақсадларда ишлатиб юборгани, темир панжара ўрнатиш масаласида фақатгина О.Хожиев билан гаплашгани, туман ҳокимлиги раҳбарияти билан бу масалада гаплашмагани, ҳозирда 300 дона бетон тўсин (стойка)ларни олиб келиб, далолатнома асосида Арнасой туман ободонлаштириш бошқармасига топширгани, етказилган моддий зарарни қоплагани, жамият ва бошқарма ўртасида объектни топшириш ва қабул қилиш далолатномалари расмийлаштирилмаганлиги, чунки ишлар охирига етказилмасдан қолгани, ўтказилган пул маблағларини фаолиятининг бошқа йўналишларига сарфлаб хатога йўл қўйганлигини тан олишлиги, келтирилган зарарни бартараф этганлиги, айбига тўлиқ иқрорлиги, чин кўнгилдан пушаймонлигини баён қилиб, унга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи О.Хожиев ва С.Баҳорқуловларнинг айби, уларни айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, дастлабки тергов ва суд мажлисида текширилган ҳамда тўпланган далиллар билан ҳам ўз ўзини тўлиқ топади.



Жумладан, суд мажлисида фуқаровий даъвогар вакили сифатида сўрок қилинган **С.Шодиёвнинг**, Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бош ҳисобчиси лавозимида ишлаб келаётгани, дастлабки тергов давомида аниқланишича, 2023 йил 05 май кунидан 2023 йил 08 сентябрь кунига қадар Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келган О.Хожиев “Stroitel BS” МЧЖ раҳбари С.Баҳорқулов билан олдиндан тил бириктириб, 2023 йил 19 июнь куни Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Stroitel BS” МЧЖ ўртасида Арнасой туманига кириш худудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини яратиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-3-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси тузишгани, ушбу шартноманинг 2.2.1-бандида, “Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий қийматининг 30 фоизи миқдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, қолган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига ҳисоб варақ-фактура ҳамда топшириш-қабул қилиш далолатномаси тақдим этилган санадан бошлаб 15 кун ичида тўлаб берилади”-деб, қайд этилган бўлса-да, О.Хожиев 2023 йил 23 июнь кунги тўлов топшириқномасига асосан олдиндан тўлов сифатида шартнома суммасининг 30 фоизини, яъни 20.996.976 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, С.Баҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган бетон тўсин (стойка)ларнинг 700 донаси ўрнатилиб, қолган 300 донаси ўрнатилмаганлиги ҳамда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмаган бўлса-да, 2023 йил 24 июль кунги тўлов топшириқномасига “ҳисоб-фактура ва топшириш-қабул қилиш далолатномасига асосан ясалган ва ўрнатилган бетон тўсин (стойка)лар учун 70% тўлов ўтказилаётгани” ҳақида сохта маълумотлар киритиб, расмий ҳужжатни қалбакилаштирган ҳолда 48.992.944 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб бергани, бироқ “Stroitel BS” МЧЖ раҳбари С.Баҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган 300 дона бетон тўсин (стойка)лар ўрнатилмасдан, жами 20 млн. 996 минг сўм пул маблағлари бошқа мақсадларга сарфлаб юборилгани аниқлангани, ҳозирги кунда 300 дона бетон тўсин (стойка)лар олиб келиниб, бошқарма ҳисобига топширилгани, бундан ташқари, бошқарманинг ҳозирги кундаги бошлиғи Ш.Худайқулов ва собиқ бош ҳисобчи Б.Мавлоновлар 2023 йил ноябрь ойида 41 нафар ходимларнинг иш ҳақини асоссиз равишда 24,5 млн. сўмга қайта ҳисоб-китоб қилиб, солиқ ва мажбурий тўловларга 3 млн. 185 минг ушлаб қолиб, қолган 21 млн. 315 минг сўм пул маблағларини ходимларга бермасдан, бошқа мақсадларга йўналтириб, жами 42 млн. 311 минг сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилишганлиги аниқлангани, тергов давомида ушбу пул маблағлари прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига топширилиб, зарар бартараф қилингани, ушбу пул маблағини туман Ободонлаштириш бошқармасининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришни сўрашлиги, судланувчи О.Хожиев ва С.Баҳорқуловлар томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги



сабабли уларга нисбатан нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб, судланувчиларга нисбатан қонуний енгиллик беришни сўраб берган кўрсатуви билан;

-суд мажлисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинган **Ш.Худайқуловнинг**, 2023 йил сентябрь ойидан буён Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётгани, хизмат вазифаларига бошқарманинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилиш, ходимларни ишга қабул қилиш ва бўшатиш, уларнинг ишини назорат қилиш, туманни ободонлаштириш ишларини ташкил қилиш ва шу каби бошқа вазифалар киришлиги, Жиззах вилоят Давлат молиявий назорат бошқармаси ходимлари томонидан Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасида 2023 йил 1 январдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиб тўланиши ҳамда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган текшириш натижасида тузилган далолатнома билан танишиб чиққанлиги, ўтказилган текширишда бошқармада УзАСБО дастурий мажмуида 2023 йил ноябрь ойида жами 41 нафар ходимларнинг иш ҳақи асосиз равишда жами 24.500.000 сўм ортиқча ҳисобланиб, шунда мажбурий ушланмаларга 3.185.000 сўм ушлангандан сўнг 21.315.000 сўм ортиқча тўлаб юборилганлиги аниқланганлигини, 2023 йил давомида бошқарманинг даромад солиғидан қарздорлиги келиб чиққанлигини, у ходимлар билан йиғилиш ўтказиб, уларга қўшимча ойлик ҳисоблашини ва шу ойлик ҳисобидан қарздорликни ёпишини маълум қилганлигини, унинг бу таклифига барча ходимлар рози бўлишганлигини, шундан кейин 41 нафар ходимга қўшимча ойлик ҳисоблаб чиқарганлигини ва бу пулларни бошқарманинг солиқдан бўлган қарзини ёпишга йўналтирганлигини, тергов давомида ушбу камомадни бартараф қилишганлигини, ўша вақтда бошқармада бош ҳисобчи сифатида Б.Мавлонов ишлаганлигини, шунингдек, бошқарма томонидан 2023 йил бошида “Parizoda Chiroy Gullari” оилавий корхонаси ва “Agro Diz Landshaft” МЧЖлар ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ, туман ҳудудини ободонлаштириш учун гул ва кўчатлар олиб келиб ўрнатилиши белгиланганлигини, ушбу жамиятлар томонидан 2024 йил баҳор ойига келиб шартнома шартлари тўлиқ бажарилганлигини, ҳозирги кунда ўртада ҳеч қандай камомад мажуд эмаслигини, бундан ташқари, бошқарма собиқ бошлиғи О.Хожиев 2023 йил 19 июнь куни “Stroitel BS” МЧЖ билан Арнасой туманига кириш ҳудудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини ясатиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-3-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномасини тузганлигини, 2023 йил 23 июнь кунги тўлов топшириқномасига асосан олдиндан тўлов сифатида шартнома суммасининг 30 фоизини, яъни 20.996.976 сўм пул маблағларини “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берганлигини, бироқ С.Баҳоркулов томонидан шартномада кўрсатилган бетон тўсин (стойка)ларнинг 700 донаси ўрнатилиб, 300 донаси ўрнатилмаган ҳамда шартнома шартлари тўлиқ



бажарилмаган бўлсада, 2023 йил 24 июль кунги тўлов топшириқномасига асосан қолган 70% тўловни, яъни 48.992.944 сўм пул маблағларини ҳам “Stroitel BS” МЧЖнинг ҳисоб рақамига ўтказиб берганлигини, оқибатда “Stroitel BS” МЧЖ раҳбари С.Баҳорқулов томонидан шартномада кўрсатилган 300 дона бетон тўсин (стойка)лар ўрнатилмасдан қолганлиги аниқланганлигини, дастлабки тергов давомида О.Ҳожиев ва С.Баҳорқуловлар томонидан 300 дона бетон тўсин (стойка)лар олиб келиниб бошқарма ҳисобига далолатномага асосан топширилганлигини баён қилиб берган кўрсатуви билан;

-судланувчилар ва тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Хамраевнинг дастлабки терговда берган кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи О.Ҳожиев ва С.Баҳорқуловларнинг айби, уларнинг ўз айбига иқдорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар, яъни 2024 йил 25 мартдаги Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасида 01.01.2023 йил-01.01.2024 йил даврида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг ҳисобланиб тўланиши ҳамда “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талабларига риоя этилиши юзасидан тузилган далолатнома ва унга хулоса ҳамда иловалари, дастлабки тушунтириш хатлари, 2023 йил 19 июнь кунги Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармаси ва “Stroitel BS” МЧЖ ўртасида Арнасой туманига кириш ҳудудидаги Р-198 йўлининг чап ва ўнг томонидаги умумий 1 гектар 60 сотихлик ер майдони учун 1.000 дона бетон тўсин (стойка)ларини ясатиш ҳамда ўрнатиш бўйича қиймати 69 млн. 889 минг 920 сўмлик 179-3-43-ОВ/2023-сонли хизмат кўрсатиш шартномаси, 2023 йил 23 июнь ва 24 июлдаги тўлов топшириқномалари, 300 дона бетон тўсин (стойка)лар туман Ободонлаштириш бошқармаси ҳисобига кириш қилинганлиги ҳақидаги далолатнома, сўроқ қилиш, юзлаштириш тўғрисидаги баённомалар ҳамда иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, “Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”;

28-моддаси 2-қисмида, “Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак”-деб қайд этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмиши учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида



ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддаси 3-хатбошисига кўра, “Айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак”-деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 07-сонли Қарорининг 5-бандида, судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилиши, суднинг қарорлари ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги, суд ажримда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги;

24-бандида, жиноятни Жиноят қонунининг у ёки бу моддаси, унинг қисми ёки банди билан тавсифлаш бўйича суднинг асослантирилган хулосаси айблов ҳукмининг тавсиф қисмининг муҳим белгиси ҳисобланиши, бунда судланувчининг ҳаракатлари нима учун айнан шу модда, қисм, банд билан тавсифланаётганлиги аниқ кўрсатилиши кераклиги, суд судланувчини баҳоловчи категорияларга тегишли (масалан, жиддий зиён, оғир оқибатлар ва ҳ.к) белгиларга қараб айбдор деб топишда, ушбу белгининг жинойий қилмишда мавжудлигини тасдиқловчи далилларни келтириши шартлиги, ЖПК 467-моддасига биноан айбловнинг ўзгартирилиши суд томонидан ҳукмнинг тавсиф қисмида асослантирилган бўлиши кераклиги, ЖПК 415-моддасига биноан суд айбловни ўзгартиришга ҳақли эканлиги, бунда айбловнинг бир қисми ёки жиноятни квалификацияловчи белгилари чиқариб ташланиши, суд ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда суриштирув, дастлабки тергов органлари томонидан эълон қилинган айбни ўзгартиришга ёки тўлдиришга ҳақли эканлиги тўғрисида раҳбарий тушунтиришлар берилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 416-моддаси 1-қисмида, “Агар суд тергови вақтида судланувчининг унга илгари айблов

йилмаган жиноятни содир этганлигини кўрсатувчи ҳолатлар аниқланса,



суд янги айблов бўйича жиноят ишини кўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади”;

2-қисмида, “Янги айблов дастлабки айблов билан узвий боғлиқ бўлган ва уларни алоҳида-алоҳида кўриш имконияти бўлмаган ҳолларда, судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби давлат айбловини қўллаб-қувватловчи прокурорнинг ёки жабрланувчининг, унинг вакилининг ёхуд судланувчининг, унинг ҳимоячисининг, қонуний вакилининг илтимосномасига кўра амалга оширилади”-деб белгиланган.

Ишда аниқланишича, С.Баҳорқулов Зафаробод туманида жойлашган “Stroitel BS” масъулияти чекланган жамият раҳбари лавозимида ишлаб келиб, нодавлат тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жами 20 млн. 996 минг сўмлик мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

Гарчанд, бу ҳолатда судланувчи С.Баҳорқуловнинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандларида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлса-да, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатлари фақатгина ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан малакаланган.

Суд мажлисида давлат айбловини қўллаб-қувватлаган прокурор, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар вакли томонидан судланувчини янги айблов бўйича жиноий жавобгарликка тортиш асосларини аниқлаш тартиби бўйича илтимоснома киритилмаганлигини инобатга олиб, суд ишни эълон қилинган айблов доирасида кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, судланувчи О.Хожиевнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг “Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш”да ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Баҳорқуловнинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг “Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктирган ҳолда айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш қилиш йўли билан талон-торож қилиш”да ифодаланган қилмиши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи О.Хожиевга жазо тайинлашда, уни айбига тўлиқ иқрорлик билдирганлигини, шахсини, оилавий ва моддий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогар вакилининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, илгари ҳам қасддан жиноят содир этган шахс бўла туриб, ғаразли ёки бошқача паст ниятларда қасддан янги жиноят содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб;

-судланувчи С.Баҳоркуловга жазо тайинлашда, уни айбига тўлиқ иқрорлик билдирганлигини, шахсини, оилавий ва моддий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогар вакилининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига мувофиқ жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига мувофиқ жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи О.Хожиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига тўлиқ иқрорлик билдирганлигини, шахсини, оилавий ва моддий шароитини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини инobatга олиб, унга нисбатан унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 45-банди биринчи хатбошисида, “Жиноят кодексининг 45-моддасига мувофиқ айбдор ўзи эгаллаган лавозим ёки хизмат фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этган ҳар бир ҳолда, суд, жиноятнинг хусусиятидан келиб чиқиб, маҳкумни у ёки бу мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш масаласини муҳокама қилиши шарт”-деб, қайд этилган.

Суд, Олий суд Пленумининг юқоридаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, судланувчи О.Хожиев эгаллаб турган лавозимидан фойдаланиб мазкур жиноятни содир этганлигини инobatга олган ҳолда, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини татбиқ этиб, муайян муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо тайинлашни лозим топади.

Бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2021 йил 29 июлдаги ҳукмига кўра, О.Хожиев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,168-моддаси 3-қисми “в” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 45,62-моддаларига асосан 3 йил муддатга моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, ҳар ойлик ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда



1 йил 11 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Жиноят ишлари бўйича Арнасой туман судининг 2022 йил 14 сентябрдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 10 ой 29 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан ва шу суднинг 2023 йил 4 майдаги ажримига кўра, ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ўталмай қолган 1 йил 3 ой 19 кун моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш қўшимча жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 5-қисмида, “Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этган шахсга нисбатан суд ушбу Кодекснинг 60-моддасида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлайди”;

60-модданинг 1-қисмида эса, “Агар маҳкум ҳукм чиқарилганидан кейин жазони тўла ўтамай туриб, янги жиноят содир этса, суд янги ҳукм бўйича тайинланган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини тўла ёки қисман қўшади”-деб кўрсатилган.

Юқоридагиларга кўра суд, О.Хожиев ахлоқ тузатиш ишлари ва муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоларини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддалари тартибида узил-кесил жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи С.Баҳорқуловга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларида назарда тутилган одиллик ва инсонпарварлик тамойилларидан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, айбига тўлиқ иқrorлик билдирганлигини, шахсини, оилавий ва моддий шароитини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлигини, фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, унга нисбатан унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, суд судланувчи С.Баҳорқуловга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасида назарда тутилган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо чорасини қўллаш масаласини муҳокама қилиб, ушбу модданинг 5-қисмида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга нисбатан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланмаслиги белгилаб қўйилганлигини, С.Баҳорқулов Зафаробод туманида жойлашган “Stroitel BS” масъулияти чекланган жамият раҳбари лавозимида ишлаб, яъни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келиб мазкур жиноятни содир этганлигини эътиборга



олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблайди.

Шунингдек, суд иш бўйича етказилган моддий зарар масаласини муҳокама қилиб, 2024 йил 10 июндаги далолатномага кўра жами нархи 20 млн. 996 минг сўмлик 300 дона бетон тўсин (стойка)лар С.Баҳорқулов томонидан Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасига олиб келиб топшириш йўли билан зарар тўлиқ қопланганлигини ҳамда фуқаровий даъвогар вакилининг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлигини инobatта олишни лозим топади.

Бундан ташқари, суд жиноят иши доирасида Б.Мавлонов томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун Жиззах вилоят прокуратурасининг “Ипотека-Банк” АТИБ Жиззах вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 21 млн. 315 минг сўм миқдордаги пул маблағларини Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасининг ҳисобига ўтказишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-472-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

Хожиев Олим Башманович (Хоҗиёев Олим Башманович), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в,г” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ҳамда унга шу модда билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

О.Хожиевга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60-моддаси тартибида, мазкур ҳукм билан тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2021 йил 29 июлдаги ҳукми билан тайинланган асосий ва қўшимча жазоларнинг ўталмаган қисмини қисман қўшиш йўли билан, ҳукмлар мажмуи бўйича узил-кесил ўташ учун 1 (бир) йил 9 (тўққиз) ой муддатга мансабдорлик ва моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 9 (тўққиз) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо маҳкумнинг яшаш жойидаги мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган жойда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ИИБ зиммасига юклатилсин.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ҳар қайсиси алоҳида ижро этилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач, О.Хожиёвга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Баҳорқулов Сапарбек Сатторқул ўғли (Bahorqulov Saparbek Sattorqul o'g'li), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ҳамда унга шу модда билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 6 (олти) ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Тайинланган жазо маҳкумнинг яшаш жойидаги мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, муддати маҳкум жазони ўташ учун юборилган жойда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш маҳкумнинг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ИИБ зиммасига юклатилсин.

Ҳуқм қонуний кучга киргач, С.Баҳорқуловга нисбатан танланган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Жиноят иши бўйича етказилган моддий зарар ишни бажариш йўли билан тўлиқ қопланганлиги ҳамда фуқаровий даъвогар вакилининг судланувчиларга нисбатан даъвоси йўқлиги инобатга олинсин.

Жиноят иши доирасида Б.Мавлонов томонидан етказилган моддий зарарни қоплаш учун Жиззах вилоят прокуратурасининг “Ипотека-Банк” АТИБ Жиззах вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 21 млн. 315 минг сўм миқдордаги пул маблағлари Арнасой туман Ободонлаштириш бошқармасининг ҳисобига ўтказилсин.

Ҳуқм устидан тарафлар ҳуқм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчилар ва фуқаровий даъвогар вакили эса ҳуқм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳуқм қонуний кучга киргандан сўнг эса кассация тартибида, ушбу суд орқали Жиззах вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

**Л.Обидов**

